45 то-

127

# ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2004 йил 19 февраль Фарғона шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг раиси Т.Исломов, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 201-моддасининг 1-қисми билан М.Тожибоевага нисбатан юритилган маъмурий иш материалларини М.Тожибоеванинг ёзган шикоят аризасига асосан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

## АНИҚЛАДИМ

Жиноят ишлари бўйича Риштон туман судининг (судья П.Умирзақов) 2003 йил 12 сентябрдаги қарори билан:

Тожибоева Мўътабар Ибрагимовна 1962 йилда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, бир нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, «Ўтюраклар» клуби рахбари, Марғилон шаҳар, Зухро кўчаси, 31-уй, 31-хонадонда яшайди

Ўзбекистон Республикаси МЖТК 201-моддасининг 1-қисми билан юритилган маъмурий иш ҳаракатдан тугатилган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг (судья И.Нуралиев) 2003 йил 16 октябрдаги ҳал қилув қарори билан судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суриштирув органи томонидан М.Тожибоева 2002 йил 4 октябрь куни соат 10 ларда тегишли рухсатнома олмасдан жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди биноси олдида намойиш уюштириш тартибини бузиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 201-моддасининг 1-қисмидаги ҳуқуқбузарликни содир этган деб маъмурий баённома тузилган.

М.Тожибоеванинг шикоят аризасини иш материалларига қўшиб текшириб, қуйидаги асосларга кўра Фарғона вилоят судининг 2003 йил 16 октябрдаги ҳал қилув қарорини бекор қилишни лозим топдим.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 307-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик барча ҳолатлар аниқланиши шартлиги, 294-моддасида маъмурий иш маъмурий жавобгарликка тортилган шахс иштирокида кўриб чиқилиши лозимлиги кўрсатилган.

Кассация инстанцияси суди М.Тожибоевани судда қатнашишини реал таъминламасдан, ишни кўрилиш вақти ва жойи ҳақида ўз вақтида хабар берилганлигини аниқламасдан, уни судга узрсиз сабабларга кўра келмаган

деб, нотўғри хулосага келиб, ишни М.Тожибоеванинг иштирокисиз кўриб ҳал қилган. Бу билан суд, М.Тожибоева томонидан шикоят аризада келтирилган важларини тўлиқ текширмасдан, важлар қанчалик асосли ёки асоссизлигига М.Тожибоеванинг ўзидан аниқлаштириш чорасини кўрмасдан, унинг иш учун аҳамиятли бўлган қўшимча далиллар тақдим этиши мумкинлиги ҳолатларини эътиборга олмасдан, иш бўйича барвақт хулосага келган. Келгусида, ишни кассация тартибида кўриш вақтида М.Тожибоеванинг судда иштирокини таъминлаб, унинг келтирган важларини чуқур ва ҳар томонлама текшириб иш бўйича қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келиш лозим.

Юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 321, 322-моддаларини қўллаб,

**Қ А Р О Р  Қ И Л Д И М**

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2003 йил 16 октябрдаги Тожибоева Мўътабар Ибрагимовнага нисбатан юритилган маъмурий иш бўйича чиқарган ҳал қилув қарори бекор қилинсин. Маъмурий иш янгитдан кўриш учун жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг кассация инстанциясига юборилсин.

**Жиноят ишлари бўйича**
**Фарғона вилоят судининг раиси** **Б.Исломов**